

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 109 (10.414)

2005 ЙИЛ 7 ИЮНЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

КўСА Сўзлар

● **БУГУН** Яккасарой туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Тилга эътибор — элга эътибор» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Бош прокуратурасида бўлиб ўтган йиғилишда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда «Камолот» ЕИХнинг роли, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшлар тарбиясини шакллантиришнинг долзарб масалалари муҳокама этилди.

● **КЕЧА** Замонавий санъат марказида бир неча кундан бери давом этаётган «Тасвирларда Италия таассури» мавзусидаги расмлар кўргазмаси ниҳоятга етди.

● **ЭРТАдан** шаҳримиздаги 315 та мактабда 25 та ёғи 12 кунлик оромгоҳлар ва спорт-соғломлаштириш майдончалари ўз фаолиятини бошлади. Ушбу оромгоҳларда 500 дан ортиқ ўқувчилар ҳордиқ чиқардилар.

● **ЎТГАН** кун «Карвон сарой» кўргазмалар залида иккинчи июндан бери давом этаётган ёш хаваскорлар расм ва дизайнлар кўргазмаси ниҳоятга етди. Ушбу кўргазмада Асадулла Хўжаев номли Республика дизайн ва расмлик коллежи талабаларининг юздан ортиқ асарлари намойиш этилди.

● **РЕСПУБЛИКА** киночилар уйдаги ўзбек кино усталари томонидан яратилган «Нахотки сен...» деб номланган янги фильмининг тақдими бўлиб ўтди.

● **БЕКТЕМИР** туманида хусусий тадбиркорлар, маҳаллий ва хорижий сармоядорлар иштирокида фуқароларнинг солиқ соҳасидаги билимларини ошириш, солиқ маданиятини юксалтириш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси томонидан семинар уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларимиз
хабарларидан.



Хорижий сармояларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш орқали ҳамкорлар билан тадбиркорлик асосида ташкил этилаётган кўшма корхоналарда тайёрланаётган рақобатбардош ва сифатли маҳсулотларнинг «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиги остида жаҳон бозорига кириб бораётганлиги, албатта иқтисодий-иқтисодий ривожда салмоқли ўрин тутди.

«Ўзбекистонда тайёрланган»

ЯНГИ МОДЕЛЛАР ЯРАТИЛАДИ

Ана шундай корхоналардан бири Муствақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида пойтахтимизда ўз фаолиятини бошлаган «Сағбон-текстиль» ўзбек-турк кўшма корхонасидир. Туркиянинг «SEDAT TEKSTIL SAN. VE DIS TIC. ITD STI» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу корхона цехлари энг замонавий тўқимачилик ва тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган бўлиб, Австрия, Япония ҳамда Туркиядан келтирилган ушбу ускуналар рақобатбардош ва сифатли трикотаж маҳсулотлари тайёрлашда тадбиркорларга қўл келмоқда.

Аввало шунчи таъкидлаш ўринлики, корхонани ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад аҳолининг иқтисодий, ижтимоий маданий ва маиший эҳтиёжларини қондириш, маҳаллалардаги хотин-қизларни иш билан таъминлаш баробарида ижтимоий ғимоя қилиш, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли ва зарур импорт ўрнини босувчи товарлар билан таъминлаш баробарида «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқли тайёр кийим-кечакларни жаҳон бозорига чиқариш, бу билан мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришидир.

Хозирда иш бир сменада ташкил этилган кўшма корхона цехларида шогирдлик мактабидан ўтган, махсус ўқитилган 170 нафарга яқин хотин-қизлар меҳнат қилмоқда. Уларнинг барчаси туманинг Сағбон кўчасига яқин жойлашган маҳаллаларда яшади. Шунингдек, буортмалар кўпайиб, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эришиш натижасида иш 2 сменада ташкил этилиб, илчи хотин-қизлар сафи яна икки бараварга кўпайтирилиши режалаштирилган. Бу эса, албатта, тумандаги ишга мўтож аёлларни иш билан таъминлашга, уларни ижтимоий ғимоя қилишга қаратилган режадир.

Айни кунларда корхонадаги мохир модельер, бичкичи ва тикувчиларнинг саъй-ҳаракати билан 20 турга яқин кийим-кечаклар моделлари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Булар эркак ва аёллар ҳамда болалар устки ва ички трикотаж либосларидир. Ушбу рақобатбардош маҳсулотлар хорижий шериқлар томонидан келтирилган ҳам ашё ҳисобига тайёрланиб, келгусида маҳаллий матолардан



ҳам сифатли товарлар тайёрлаш кўзда тутилган.

Меҳнат самарасини таъминлашда, ютуқларга эришишда, шубҳасиз жамоа аҳлига яратилган иш, дам олиш, овқатланиш шароитлари муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга олган ҳолда бу борада кўнглирдагидек чора-тадбирлар белгиланган. Ишчилар бепул тушлик билан таъминланмоқда, иш ҳақи эса ўтган ойлار мобайнида 2 бараварга ошди.

Ўтган йилда чеварлар иш бошлашлари олдидан «Шайхонтоҳур-текстиль» кўшма корхонасида ўқитилган бўлса, эндиликда малакаларини оширган кадрлар ўзлари шогирдлар тайёрлашмоқда. Бу борада тикув цехи устаси, тажрибали мутахассис Маърифат Луқмонова, сифатга алоҳида эътибор қаратаётган чеварлар Дилдора Орифжонова, Моҳира Мираҳмадтожиева, Нарғиза Мухаммаджоноваларнинг номларини таъкидлаган ҳолда, шогирдлик мактабини ўтаётган Насиба Исманова, Фарида Алимоваларнинг тиришқоқлигини айтиш ўринли.

— Шу ерга яқин «Ачаобод» маҳалласида яшайман, — дейди бичкичи Нилуфар Эминжонова. — Икки нафар фарзандим билан уйда ўтирардим. Чунки узоққа бориб ишлагани шароитим кўтармасди. Ушбу корхонанинг очилиши мен каби ишга мўтож хотин-қизларга жуда фойдали бўлди. Хозирда ҳам жамиятга, ҳам оилага фойдамиз тегаёпти. Ҳадемай тайёр маҳсулотларимиз жаҳон бозорига ҳам харидорини топади. Бундан фахрланмай бўладими?!

Кўшма корхонада бугун асосий мақсад йўлидаги изланишлар давлат этмоқда, хорижий давлатлардан буортмалар олиш учун музокара олиб боришмоқда. Шунингдек, пойтахтимиз ва мамлакатимиз вилоятларида фирма дўконлари очил ҳам кўзда тутилган. Энг муҳими эса ушбу савдо шохобчаларида хорижликдан асло қолишмайдиغان ўзимизнинг кийим-кечакларимиз харидорини топади.

Шарофат БАХРОМОВА

СУРАТЛАРДА: назоратчи Дилора Илҳомова ва уста Улфат Ҳақимова ҳар бир маҳсулот сифатига эътибор қаратишади; Марҳабо Ақромова чеварлар сараси.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

XVI сағбон аср

Барча мавбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ташқи ишлар вазирлиги Қабуллар уйида Андижон шаҳридаги воқеалар юзасидан хорижий журналистлар ва дипломатик корпус вакиллари учун брифинг ўтказилди.

● Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Бадиий академиясида «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан «Ер қуррасида тинчлик бўлсин» мавзусида республика болалар кўрик танлови аяқланди.

● Урганча «Сифат тизими ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг ўзаро рақобатбардошлигини ошириш жараёни» мавзусида семинар кенгаш бўлиб ўтди.

● Пахтакор тумани пиллакорлари вилоятда биринчилардан бўлиб шартномавий режаларини бажардилар. Улар қабул пунктларига 34 тоннадан ортиқ хош ашё топширдилар.

● Бойсунда бахшлар танлови ўтказилди. Унда мамлакатимиздаги дostonчилик мактабларининг ривожига ҳисса қўшиб келаётган 60 дан ортиқ бахши, оқин ва халфалар иштирок этишди.

● Жиззахда «Хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш ва ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

● Нукус шаҳрида Болаларни соғломлаштириш маркази ҳамда замонавий андозлар асосида қурилган Акварпарк фойдаланишга топширилди.

Жаҳонда

● Шимолӣ Осетия республикаси президенти Александр Дзасохов вазифасидан кетишини маълум қилди. Президент матбуот хизматининг маълумотига қараганда, у давлат раҳбарлигидан ўз хоҳиши билан кетаётгани ва бу лавозимни ёш кадрлар учун қолдираётганини маълум қилган.

● Американинг NASA космик агентлиги Юпитерни ўрганиш ишларини бошлаб юборди. Ушбу гигант сайёрани тадқиқ этишга илк бор қўл урилмоқда. Юпитерга космик кема учирши 2010 йилнинг 30 июнида амалга оширилади. Хозирча миссия учун сарф этилган маблағ миқдори 700 миллион АКШ долларига баҳоланмоқда.

● ГФР канцлери Герхард Шрёдер Франция ва Голландияда ўтказилган референдум натижаларига қарамай, Европа Иттифоқи конституцияси учун овоз бериш жараёнини давом эттиришга чакрилди. 16-17 июнь кунлари ЕИГА аъзо мамлакатлар етакчилари иштирокидаги саммит ўтказилди. Унда Европа Конституциясининг келажига муҳокама қилинади.

● Бундестаг Косоводаги Халқаро хавфсизлиги кучлари таркибидagi бундесвер миссияси муддатини яна 1 йилга узайтириш учун овоз берди.

ЎЗА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятидаги ижросига оид масала кўриб чиқилди.

Мазкур қўмита раиси А.Аҳадов бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизда 570 та миллий аудиторлик ташкилоти ва халқаро аудиторлик компаниясининг 4 бўлими фаолият кўрсатмоқда.

Номлари зикр этилган шаҳар ва вилоятда қонун ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилаётгани алоҳида қайд

этилди. Айни пайтда соҳада қатор камчиликлар ҳам учрамоқдаки, уларни ўз вақтида ҳал этиш зарур. Жумладан, аудиторлик ташкилотларида фаолият олиб бораётган аудиторларнинг қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларни билиши ва уларга риоя қилиш борасидаги қўникмалари, сифатсиз аудиторлик текширувни ўтказганлиги учун аудиторлик ташкилоти олдидagi жавобгарлиги билан боғлиқ масъулия-

ти паст. Кўпчилик аудиторлик ташкилотларининг устас капиталли юқори нархларда баҳоланган эски мебель, компьютер ва бошқа буюмлар билан шакллантирилган.

Аудиторлик ташкилотлари томонидан ҳўжал субъектларининг молиявий ҳолатига оид берган хулосалари билан солиқ органларининг берган баҳоси ўртасидаги жиддий фарқ учрайди. Тошкент шаҳрида давлат солиқ органлари томонидан аудиторлик хулосаларидан кейин текширилган ташкилотлардан давлат бюджетига 164,6 миллион сўм, Навоий вилоятида эса 155,7 миллион сўм қўшимча солиқлар ҳамда молиявий жарималар ҳисоблаб чиқилгани бунинг далилидир. Булар аудиторлик текширувлар сифатини яхшилаш лозимлигини кўрсатади.

Йиғилишда маъҳуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган қарор қабул қилинди.

Иқтисодиёт

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

Айни дамда "Alkim-tekstil" Ўзбекистон-Туркия кўша корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 80 фоизини хоржий давлатларга экспорт қилиш кўзда тутилган.

Туркиянинг замонавий технологиялари ҳамда Германиянинг тикув ускуналари билан таъминланган корхона туркиялик тадбиркор Вадет Заимнинг саъй-ҳаракатлари ҳамда 3 миллион Низом жамғармаси асосида ташкил этилган. Мактаб ёшидаги ўсмирлар учун футболкалар, майкалар ва чақалоқлар учун кийим-бошлар ишлаб чиқарилаётган корхонада ҳозирда 150 нафардан зиёд ходимлар иш билан таъминланган.

Айни пайтда ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё, яъни ип-кавала мамлакатимизда фаолият юритаётган "Кобул-Ўзбек Со LTD" ҳамда "Оим-текстил" корхоналаридан олинмоқда. Бир йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати 3,5 миллион АҚШ доллари миқдорини ташкил қилган корхонанинг келгусидаги йиллик кўрсаткичи 5 миллион АҚШ долларига етказиш кўзда тутилган.

СИФАТЛИ ВА ТАБИИЙ

Қалин ва жилдор сочлар гўзаллигининг бир кўриниши саналади. Инсон ҳуснига-хусни кўшувчи сочлар парварлиши нечоғлик зарурлигини ҳар биримиз яхши ҳис қиламиз. Бунда эса аввало шампунларнинг сифати ва табиийлиги алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирда шахримизда фаолият юритаётган "BAW Chemicals LTD" Ўзбекистон - Австрия- Ирландия кўша корхонасида ишлаб чиқарилаётган янги турдаги шампунлар сифати билан ажралиб туради.

2003 йилда фаолият бошлаган ушбу корхонада 5 турдаги шампунлардан ташқари ювиш воситалари ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Австриянинг "BEFA" компанияси билан доимий ҳамкорликда иш юритувчи ушбу кўша корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб бера олади.

Замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган корхонада айни дамда ёш болалар учун ҳам шампунлар ишлаб чиқарилмоқда.

ОРЗУГУЛ РУСТАМОВА

Мақола муаллифи, доктор Рамакант Диведеи Ўзбекистонга кўп мартаба ташриф буюрган ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар кўлами, халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари билан яқиндан таниш. Шу боис Андижонда содир этилган воқеалар воситасида мамлакатимизда ҳукм сураётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёнига салбий таъсир ўтказишга бўлган уринишни муаллиф қуюнчаклик билан қатъий қоралайди.

Р.Диведеи Фарб оммавий ахборот воситаларидан фарқли

ўлароқ, ўз мақоласида диний экстремистларнинг Андижонда қалтис вазиятни юзга келтирган қабих ҳаракатларини аниқ далиллар асосида очиб ташлаган. Бунда у Ўзбекистон расмий доиралари томонидан тарқатилган маълумотларга суннади ва воқеалар ривожини хронологик тарзда келтиради. Муаллиф ушбу воқеалар ортида турган «акромийлар»нинг асл максадлари, жумладан, уларнинг «Ҳизб-ут-таҳрир» ташкилоти билан яқин алоқалари ҳақидаги фикр-мулохазаларини журнал ўқувчиларига етказган.

«Баъзи бир Марказий Осиё кўзатувчилари сиёсий йўқотишлар, иқтисодий шароитнинг ёмонлашуви, коррупция, турмуш даражасининг пасайиши, мам-

лакатдаги оммавий ишсизлик ва ўзбек ҳукуматининг ушбу муаммоларни ҳал қилишга укувсизлиги диний экстрем-

инқилоби» деб аталди. Баъзи таҳлилчилар «Лола инқилоби» айни пайтда Фарғона водийсининг Ўзбекистон қисмига ҳам ўз соясини туширди, деган фикрни ўртага ташлашди. Лекин бундай фикрлар ҳақиқатга тўғри келмайди. Ўзбекистон минтақадаги асосий мамлакат ва қутилмаган ўзгаришлар Марказий Осиё ва унга қўшни минтақалар учун катта геосиёсий оқибатларни олиб келиши мумкин эди».

Муаллиф Андижонда содир бўлган воқеаларга нисбатан дунё мамлакатлари томонидан билдирилаётган муносабатни таҳлил қилар экан, минтақадаги геосиёсий манфаатлар тўқнашувини кузатади. Бунда у Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураши қатъий эканига тўхталиб, Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Аксилтеррор минтақавий тизими фаолият юритаётгани ҳам бежиз эмаслигига эътибор қаратади.

«Ўзбеклар мамлакатга амалий ўзгаришлар олиб келадиган эволюцион демократик жараёнлар тарафдори. Айни пайтда Ўзбекистонда диний экстремистларга қарши кураш давом эттирилаворади».

САДРИДДИН СУЯРОВ,
«Жаҳон» АА муҳбири
Дехли.

**Доктор Рамакант Диведеи:
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДИНИЙ
ЭКСТРЕМИЗМ ВА ХАЛҚАРО
ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ
КУРАШИ ҚАТЪИЙ**

Андижон воқеалари, уларнинг сабаблари тўғрисидаги турли фикр-мулохазалар Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари диққат марказидан четда қолмаяпти. Шу маънода, мамлакат сиёсий доираларида юқори мавқега эга «Mainstream» журналида эълон қилинган «Ўзбекистон: Бобур шаҳри - Андижондаги тартибсизликлар» («Uzbekistan: Unrest in Babur's City Andijon») мақоласи эътиборлидир.

мизминг пайдо бўлишига сабаб бўлди, деган фикрни қўллашмоқда, — деб ёзади Рамакант Диведеи. — Ушбу сўзлар муаллифи эса Ўзбекистонда, Фарғона водийсида бўлган чоғида собик иттифокнинг инқирозга учраш жараёни мафқуравий бўшлиқни юзга келтиргани ва диний мафқурачилар ушбу бўшлиқни исло-моғялари билан тўлдиришга уринаётганига эътибор берган эди».

«Андижонни Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларига сўнгги дарвоза, дейиш мумкин. Ушбу вилоятларда 2005 йил март ойида Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг Москвага қочиб кетишига сабаб бўлган намоишлар бошланган эди. Ушбу ҳаракат «Лола

**ЭЛЕКТРОН САВДО
ЁРДАМИДА СОТИШНИ
ЙЎЛГА ҚЎЙИШ**

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов Ўзбекистонда ахборотлар тизимини жадал суратлар билан ривожлантиришни долзарб вазифалар қаторига қўйиб, 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот — коммуникация технологияларини жорий этиш» тўғрисидаги Фармонига биноан миллий иқтисодиётимизнинг барча соҳаларини янги замонавий ахборот — коммуникация технологиялари билан таъминлаш чора-тадбирлари белгилаб берилди. Шу асосда сўнгги 2-3 йил давомида Ўзбекистон иқтисодиёти ва аниқса таълим тизимида компьютер ва интернет тармоқлари жадал суратда ривожланмоқда.

Ҳозирги кунда интернет тармоғидан иқтидорли ёшларимиз, ўқувчилар, илмий ходимлар ва аҳолининг бошқа кўп табақалари тобора кўпроқ фойдаланишмоқдалар. Бу жараёнинг бир бўғинини турли электрон хизматлар ташкил қилади. Жумладан, интернет тармоғи орқали электрон савдолар уюштирилади. Бугунги кунда электрон савдонинг асосий шакллари — бу интернет, интернет-каталоглар, машхур йирик корпорациялар айрим биржалар рекламасидан иборатдир. Маълумки, ривожланган мамлакатларда бу хизматлардан фойдаланиш аҳоли ўртасида кенг тарқалган, аммо бизнинг ватанимизда бу борада фойдаланилмаган имкониятларимиз ҳали талайгина. Масалан, электрон савдо ёрдамида товар хизматларини сотиш ҳали йўлга қўйилмаган.

Шу сабабдан электрон савдонинг моҳиятини тушунириб ўтиш лозим. Электрон савдо-товар ва хизматларни ишлаб чиқарадиган ёки сотишга тақлиф этадиган фирмалар томонидан интернет тармоғига жойлаштириладиган маълумотлар асосида шаклланади. Харидорлар интернетга уланиб, бу маълумотлар орқали ўзларига керакли маҳсулот ёки хизматларни (масалан, озиқ-овқатлар, мебеллар, кийим-кечаклар, коммунал ва туризм хизматлари) танлаб, буюртмалар берилади. Шу билан бир қаторда имкониятлари туфайли тўлов шартлари белгиланади.

Электрон савдо сотувчи учун ҳам, харидор учун ҳам анча қулай савдо шакли бўлиб хизмат қилади. Электрон савдонинг афзалликларини нимадан иборат? Биринчидан, бу усулда савдо харажатлари қисқаради, иккинчидан, харидор воситачилар хизматига

мухтож бўлмасдан, ўзига керакли нарсани бевосита сотиб олади. Учинчидан, электрон савдо туфайли муомаладаги нақд пуллар ҳажми нисбатан камайиб, пул кадрсизланишининг олди олинади. Тўртинчидан, миҳозлар билан узоқ муддатли алоқалар йўлга қўйилади. Ҳамда харидорларга турли қўшимча хизматлар кўрсатиш имкониятлари пайдо бўлади.

Иқтисоди ривожланган мамлакатларда Интернет-савдо кўп фирмаларга яхши фойда келтирмоқда. Электрон савдодан тушадиган фойдани ҳар йили 2 баробардан ўсиб бориши қайд этилмоқда. Бу даромадларнинг асосий қисми АҚШ давлатига тўғри келади. Чунки, янги ахборот технологиялари бу мамлакатда юқори даражада тараққий этган.

Ўзбекистонда электрон савдонинг ривожланиши таъминлаш учун биринчидан, интернет орқали тақлиф қилинадиган товар ва хизматлар ассортиминини тайёрлаймиз ва маҳсулотлар сифатини пул воситаларга ўтиш, яъни кредит карточкаларини, электрон пулларни қўллаш, интернет банк хизматидан фойдаланишни ташкил қилиш зарур; учинчидан, аҳолини, аниқса, тадбиркорларнинг компьютер — интернет савдонлигини кўтариш лозим; тўртинчидан, махсус «интернет маркетинг»ни биладиган мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш керак.

Хуллас, интернет савдонини ривожланишида, талабаларга электрон-савдога доир амаллар, жумладан, интернет-сайт (саҳифа)ларини топшиш, янги сини яратишда бўлажак иқтисодий кадрларнинг малакасини ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Элдор АКРАМОВ

Ватан — бу олий ва муқаддас туйғу. Бунинг биз, ёшлар, қандай тушунамиз? Келажак буюк давлатимизнинг истиқбол бизнинг қўлимизда. Шундай экан, бизнинг бугунги кундаги асосий мақсад ва вазифамиз битта - яхши ўқиш ва Ватанимиз, Ўзбекистонимизга муносиб фарзанд бўлиб камол топшидир.

**МУҚАДДАС
ТУЙҒУ**

Лекин, афсуски, айнан ўқишни, билим олишни истаманган айрим тенгдошларим онги ва тафаккури бўлиши туфайли турли хил оқимсабга аралашиб қолаётганлиги жуда ачинарлидир. Бунинг исботи сифатида яқинда Андижонда рўй берган террорчилик-экстремистик чиқишларни келтириш мумкин. Бу воқеа ахлининг тинч-осуда ҳаётига раҳна солганлар орасида билиб-билмай экстремистик тўдага кириб қолган ёшлар ҳам бор эди.

Бугун Ўзбекистон халқи қаторида биз, ёшлар ҳам бу воқеаларга бепарқ бўлмадик. Шу муносабат билан кучи кеча Тошкент Молия институтини «Замонавий ёшлар ва диний ақидапарастлик» мавзусида мунозара-баҳс кечаси бўлиб ўтди. Тадбирни Иқтисодиёт кафедраси доцентини Маҳмуд Илҳомов очар экан, бугунги кун ёшлари қандай бўлишини, уларнинг дунёқарашидан тўзани тутишигача тўхталиб, ўғил-қизларни зарарли бўлган турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолмасликка чакирди.

Мунозарда иштирок этган С.Бекмуҳамедов, М.Маҳкамова, Ж.Аҳмадов ва бошқа талабалар мамлакатимизда рўй берган террористик хуруж борасида ўз фикр-мулохазаларини билдиришди. Хусусан, диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолган айрим ёшлар эндиликда эл-юрт олдида юзи шувут бўлиб, афсусланаётганликларини таъкидлаб ўтди.

Мен барча тенгқурларимни Ватанимизни, келажакимизни асраб-авайлашга, мустақиллигимизни кўз қорачиғидай сақлашга чақираман. Инсонинг азиз қиладиган нарса — бу яхши фикр, яхши сўз, яхши ишлар. Мустақил давлатимизда яшайётган ҳар бир киши, ёшдан қатъи назар, ана шундай азиз номга муносиб бўлишини истардим.

Шерзод ЭРМУХАМЕДОВ,
Тошкент Молия институти
талабаси

Таълим

КАФЕДРА — ИЗЛАНИШДА

Авиадиспетчерлик бўйича тайёрланаётган мутахассислар аэропортларда ўз зарур мавқеига эга. Тошкент Давлат авиация институтининг «Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш» кафедрасида бундай малакали кадрларни тайёрлаш кенг йўлга қўйилди.

Фуқаро авиацияси факультети таркибига амалга оширилаётган бундай таълимий жараёнда талаба-ёшларга «Ҳаводаги ҳаракатни бошқаришнинг назарий асослари», «Авиация метеорология», «Ҳаво навигацияси» каби ихтисосликлар бўйича пухта билим берилмоқда. Кафедра олимлари томонидан тайёрланган ўқув дастури мутахассисларнинг ижобий баҳосига сазовор бўлди. Айни вақтда «Авиация метеорология» фани бўйича энг яхши деб топилган маърузалар матни босмага ҳозирланди.

ЯНГИ УҚУВ МАРКАЗИ

Бугунги кунда телекоммуникацияларнинг мустақим техник негизини яратиш йўлида ибратли ишлар олиб борилмоқда. Шу соҳани ривожлантириш бўйича шуғулланадиган малакали мутахассисларни тайёрлаш тadbирлари ҳам қўрилди.

Тошкент Аxbорот технологиялари университетида ўқув марказининг очилишига ҳам тараддуд қўрилмоқда. Телекоммуникациялар қурилмаларини монтаж қилиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган бу марказ фаолиятини кенг йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва аxbоротлаштириш агентлиги амалий тadbирлар режасини ишлаб чиқди.


ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР ДОИРАСИДА

Тошкент Аxbорот технологиялари университетининг Телефон-телеграф факультетида бир неча кафедра фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг халқаро алоқалари ҳам қуттилган натижаларни бермоқда.

Япониядаги «NEC», Хитойдаги «Шанхай-Беле», Россиядаги «РАЕВОО», Германиядаги «SIEMENS» фирмаларининг пойтахтимиздаги ваколатхоналари билан ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилди. Бу эса ўзаро илмий-техник аxbоротлар алмашиб туриш учун қўл келмоқда.

Бундан ташқари Жанубий Корея телекоммуникация муҳандислари университети, Сингапур политехника институти, Американинг Колорадо штати университети билан ҳам алоқалар боғланди.

Ақбар АЛИЕВ



2005 — Сухайт-саломатлик йили

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ — МУҲОФАЗАДА

Республика болалар полиомиелит шифохонасининг 2-бўлими қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тadbирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тadbирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилмаётган изчил ислохотлар ўз самарасини бераётганини таъкидлади. Бу борада ишлаб чиқилган давлат дастурларида белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётгани аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, улгайиб келаётган авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Иигирма беш ўринли янги бинони ишга

тушириш учун ўттиз миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва хомийларнинг молиявий кўмаги билан иш бошлаган янги бўлимда муолажа, жисмоний тарбия, ётоқ, ошхона, ювениш ва ўйин хоналари мавжуд. Уларнинг барчаси зарур жиҳоз ва воситалар билан таъминланган. Болалар у ерда компьютердан фойдаланишни ҳам ўрганиш имкониятига эга.

Б.ХИДИРОВА, УзА мухбири

Марақачи

“АКВАПАРК”ДА ЁЗГИ МАВСУМ

“Ўзэкспомарказ” ҳамшаҳарларимиз учун сеvimли соя-салқин дам олиш масканга айланди қолди. Унинг соғломлаштириш мажмуаси ҳам одамлар билан доимо гавжум бўлади.

Япон боғи ҳамда “Тошкентленд” ҳудудларида янги мавсум бошланди. Ана шу мажмуада катта сув ҳавзасини ташкил этган “Аквапарк”да ҳам ёзги соғломлаштириш мавсумига катта тайёргарлик қўрилди.

Сунъий тўлқин жилоси мавж уриб турган ҳавзада қатор қўлайликлар муҳайё этилди.

Янги мавсумнинг очилиши “Аквапарк” бунёд этилганлигининг ўн йиллиги шодёнисига тўғри келди.

Чиндан ҳам бундан ўн йил аввал сувда чиниқувчиларга қатор қўлайликлар ва паркда завқ ва ором олган мижозлар қаҳвахона ва ресторан хизматидан ҳам баҳраманд бўлишлари мумкин.

Аҳмад АББОСОВ

Матновлар

ЙИЛ ТАРБИЯЧИСИ АНИҚЛАНДИ

Жондан азиз фарзандларимиз йўлга кириб тетапоя қилишлари билан жажжилар маскани бўлган мактабгача таълим муассасасида меҳрибон, ширинсўз, болажон мураббийлар бағрида яйраб-кувнаб камолга етишади. Мазкур масканда улар тенгдошлари билан турли хил ўйинлар ўйнаб, тарбиячилар кўмағида шеърларни ёд олиб, кўшиқ ва рақсларни ўрганадилар. Буларнинг ҳаммасини болажонларимиз қалбига жо қилишда меҳрибон тарбиячиларнинг ўрни беқиёсдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда иқтидорли, ўз касбига меҳр қўйган, тажрибали ўқитувчи ва тарбиячиларни аниқлаш мақсадида ҳар йили «Йил ўқитувчиси» ва «Йил тарбиячиси» сингари кўриктанловлар ўтказиб келинмоқда. Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида «Йил тарбиячиси-2005» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Мазкур танловга ўн бир туманда икки босқичдан ўтган мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларидан олти нафари саралаб олинди. Иштирокчилар танловда ўз касби ва иш йўналишини очиб берувчи тақдимот, мураккаб педагогик ва психологик вазиятларда одилона ва оқилона йўл тутиш, уй вазифаси — таълим ва тарбия жараёнида дидактик воситалардан фойдаланиш ва ўзининг ижодко-

рона ва санъаткорона маҳоратини кўрсата билиш каби тўрт шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Тарбиячи мураббийлар саҳнада ҳар

ли мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси Гулзода Дўстова «Йил тарбиячиси — 2005» кўрик-танловда биринчи ўринга



бир шарт бўйича ўзларининг илгор педагогик иш тажрибалари, билимлари ҳамда истеъодларини юксак маҳорат билан намоён этишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг истеъодларини нуфузли ҳакамлар ҳайъати аъзолари муносиб баҳолаб бодирлар ва тadbир сўнгига ғолибларни эълон қилдилар. Учтена туманидаги 404-сон-

ҳар босқичи ҳамда туман босқичида ғолиб деб топилган тарбиячилар Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Таълим ва фан ходимлари касаба ўюшмалари кўмитаси томонидан Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Бугунги танловда ғолиб бўлганлигимдан ниҳоятда хур-

Иўллари бир-бирига боғлашда, чорраҳаларда транспорт тизимининг ва авария ҳолатларининг олдини олишда мустаҳкам ва замонавий кўприкларнинг аҳамияти беқиёс.

Бунёдкорлик

СИФАТГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

Кейинги йилларда пойтахтимизда ҳам бир-бирдан кўркам ана шундай кўприклар қад ростладики, бу нафақат транспорт воситалари ҳайдовчилари, балки йўловчилар учун ҳам алоҳида қўлайлик бўлди. Кўприклар бунёд этиш ҳам ўзига хос ғайрат-шижоат, тажриба ва маҳорат талаб этиб, бу борада шахримизда фаолият кўрсатаётган “13-кўприкқурилиш” отряди кўприк-созларининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор.

Отряд бунёдкорлари Кичик ҳалқа йўли бўйлаб жойлашган кўприкларни муддатидан ва сифатли қуриш билан бирга, республикамизда вилотларидаги қурилиш майдонларида ҳам куч-ғайрат сарфлаётганини таъкидлаш ўринли.

Отряднинг арматура цехи ишчилари эса кўприк-созларни турли шакл ва ҳажмдаги арматура ашёси билан таъминлашга, уларни талаблар даражасида тайёрлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Келтирилган хом ашёни келиш, боғлаш ва қурилиш майдонларига жўнатишда цехда меҳнат қилаётган усталарнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

— Буюртмаларни тайёрлаб беришда, аввало тезкорлик ва сифатга алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди ишбоши Лазиз Салимжонов. — Бу борада ўз ишининг устаси саналган арматурачиларимизнинг ҳиссаларини таъкидлаш ўринли. Улар савобли ишга бош қўшаётганидан кўнглилларида мамнуният билан меҳнат қилишмоқда.

Рустам ОРИФҲУЖАЕВ



сандман. Чунки менинг ўз касбимга, болажонларга бўлган меҳрим жуда кучли. Болаларимиз ҳаётимни тасаввур қилолмайман. Иш тажрибам, билимим муносиб баҳоланганлигидан бахтиёрман, — дейди танлов ғолиби Гулзода Дўстова. — Болаларнинг беғубор ва мурғак қалбларига ошно бўлиш, уларнинг тилини тушуниб таълим-тарбия бериш ҳам масъулиятли ва шарафлидир. Мен ўз касбим билан фахрланаман ва болаларга аввало меҳр бериб, уларнинг қалбига фақат яхшилик, эзгулик ва инсоний фазилатларини синдиришга ҳаракат қиламан.

Дарҳақиқат, болалар бизнинг бахтимиз, оруз-умидимиз ва келажгимиздир. Мана шу ҳаётимиз қувончлари бўлган дилбандларимизнинг ҳар томонлама камол топишида бағри кенг, ширинсўз ва меҳрибон тарбиячиларнинг меҳнатлари беқиёсдир.

Нафиса ИГАННАЗАРОВА, Низоимий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети талабаси

Мана, орадан маълум муддат ўтди. Ҳаёт уммони гоҳ чайқалиб, гоҳ сокин оқмоқда. Ҳўш, кўзланган мақсадлар йўлида нималарга эришилди? Менимча, бугун бу саволга жавобни ҳаётимизнинг ўзи кўрсатиб турибди. Армияда хизмат қилиш, Ўзбекистон посбони бўлиш шарафли бир ишга айланиб бормоқда. Ислохотлар ўз самарасини берапти.

Айни пайтда жойларда мудофаа ишлари бўливлари чакиривчилар билан гавжум. Улар аскар бўлиш учун, Ватан ҳимоясига отланиш учун, юрт юкини елкага олиш учун танловлардан ўтишмоқда. Сараланиб, аскар бўлишда, мушакил Ўзбекистон ҳимояси йўлида камарбаста бўлишда. Таъкидлаш жоизки, Ватан ўз навбатида уларнинг хизматларини унутмайди. Фарзандини ҳаёт мактабидан тоблаш, унга кўп сабақлар бериш, чиниқтириш билан бирга турли имтиёзларни ҳам кўзда тутган. Келинг, ана шулардан бири бўлган тавсиянома хусусида сўзлашайлик.

Ибтидоидан бошлайдиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибидан мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга

ҳаёт мактабидан тобланган бўлса-да, билими биров етмаслиги сабабли олий ўқув даргоҳи оstonасидан қайтади. Бир йил давомида ўрганганлари, орттирган тажрибаси ҳавога соврилиши, пировардида унинг халқ ҳўжалигида фойдаси теғмай қолиши мумкин. Энди-чи. Чакнаб турган ўқун тавсияномани олган, олий ўқув юртига ўқишга кириш имкони катта бўлади. «Ватаним, Ўзбекистоним менга шундай юксак ишонч билдирди, шундай имтиёзлар берди. Уни кўкка совурсам, инсофдан бўлмас», деган андиша ўтади қалбидан. Изланади, интилади, тавсиянома ёрдамида ўқишга кириди. Армия мактабидан олган тажрибасини фойдали ишларга сарфлаб, юрти истикболи йўлида ҳаракат қилади. Энг муҳими, Ватан ўзи каби ёшларга юксак ғамхўрлик, эътибор бераётганини, келажақда касби билан, иши билан Ўзбекистонини дунёга янада машҳур қилиши лозимлигини англаб етади. Ҳа, муболағасиз айтганман. Ана шундай чакнак йигитлар тавсиянома соҳибларига айланишяпти. Келинг, яхшиси мисолларга мурожаат этайлик.

Ортада қолган 2004 йилда биргина Тошкент давлат техника университети тавсиянома ёрдамида 29 нафар йигит ўқишга кирибди. Айни пайтда улар за-

ҳам бу борада ишлар йўлга қўйилди. Санжар ва унга ўхшашган ўғлонларимиз хозирча турли приборларнинг тузилиши, қурилишини ўрганишяпти. Эртага улардан машҳур конструкторлар, ихтирочилар етишиб чиқади. Дарвоқе, Санжар зиёли оиланинг фарзанди. Отаси Улғубек ака Тошкент маданият институтида профессор. Онаси Шахло опа мактабда ўқитувчи.


Мазкур университетнинг яна бир талабаси Нодиржон Азизов билан танишдик. Тавсиянома билан талаба бўлган бу ўғлоннинг 170 га яқин балл тўллагани ҳам билимли, ихтидорли эканлигидан далолат. Нодиржон Қоровул қўшинларида конституциявий бурчини ўтаган. Ҳўчи, ҳайдовчи вазифаларида хизмат қилган. Муддатли ҳарбий хизматгача расомчилик коллежидан ўқигани, шу соҳага қизиқиши юксак эканлиги армияда роса асқотди. Командирларига турли кўргазмалар воситалар, деворий газеталар тайёрлашда ёрдам берди. Бир сўз билан айтганда, қисмининг жамоатчи расоми бўлди. Нафақат жамоатчилик ишларида, балки жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда ҳам сафдошларига ибрат бўлди. Ана шу хизматлари учун ҳам тавсияномага лойиқ топилди.

Ўзбекистон миллий университети география факультети декани Равшан ака Маҳмадалиев тавсиянома билан ўқишга кирган талабалари ҳақида фахрланиб гапирди: «Армия мактабидан кўришгани уларнинг ўқишида, юриш-туришида билинапти. Бари аъло ва яхши баҳоларга ўқишга интилоқда. Давлатимиз уларга тавсиянома бери юксак ишонч билдирган. Ана шу ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қилишяпти».

Мазкур университетта тавсиянома билан ўқишга кирган Нодир Ашуров, Нодир Марқоёев каби йигитлар билан ҳам танишдик. Билимли, дунёқароши кенг ўғлонлар. Миллий истиклол гоғсонини юракдан англашди. Айни кунларда танловдан сараланиб ўтишган чакиривчилар мuddатли ҳарбий хизматга йўл олишмоқда. Улар ҳам Она-юртга чиқадик билан хизмат қилишса, конституциявий бурчларини аъло даражада ўташса, тавсиянома соҳиб бўлишади. Юқорида тилга олинган акаларидек олий ўқув юртигага ўқишга кириб, Ватан равлари йўлида жонбозлик кўрсатишади. Ҳа, ана шундай имкониятлар сизни кутмоқда. Резервга тавсиянома билан бўшайдиганлар эса ҳаётдан ўз ўринларини қийналмай топишади. Уларни орзу қилишган олий ўқув масканлари уларни кутмоқда. «Нима иш қилсам экан?» деган савол уларни қийнамайди.

Тавсиянома бир томондан Ватан ҳимояси йўлида аъло хизматларга руҳлантирадиган рағбат, Иккинчи томондан эса элим, юртим деб ёниб яшайдиган, қалблари миллий истиклол гоғларини билан нафас олаётган ёшларимизга жамиятдан ўз ўринларини топишда ёрдам берувчи маёқдир. Ана шундай руҳда камол топаётган ёшларимиз сафи кенгайса, биз дунёга ўз сўзимизни ҳали кўп-кўп айтмай, баралла айтмай.

Алижон САФАРОВ, майор



Чакирив-2005

ШАРАФ ВА ГУРУР ИШИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг буйруғига кўра «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ чакирив ва мuddатлини кечиктириш ҳўқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2005 йилнинг апрель-май ойларида мuddатли ҳарбий хизматга чакиривдилар. Бугунги кун талаблари аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Адолатли танлов мезонлари Қуролиларимиз сафини сифатли бутлашга хизмат қилмоқда.

Ҳарбий хизматнинг айни кунларда обрўси, нуфузи янада ошган. Кўплаб ёшларимиз ўз ҳаётларини армия билан боғлашга қатъий аҳд қилишмоқда. Армия ҳаёти ўз мураккаблиқларига қарамасдан оҳанграбо каби ёшларни ўз сафларига жалб этаётир. Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишларидаги сифат

ўзгаришлари айниқса қувонarliдир. Ватан ҳимоясини тайёрлашда оила, мактаб, маҳалла — барча-барчасининг ўз ўрни бор. Булар учаласини бугунги кунда, бир-биридан айрича тасаввур қилиш мумкин бўлмай қолди. Ҳар бир вояга етган фарзанд Ватан олдидаги йигитлик бурчини ёруғ юз билан ўташ-

га ошиқади. Чунки, шу кунгача бу хизматнинг нақадар катта шараф, гурур иши эканлиги уларнинг онгига тажрибали мураббийлар, фидойи полсбонлар, маҳалла оқсоқоллари, ота-оналари томонидан соғлом тарбия жараёнида сингдириб келинади. Ҳар томонлама тайёргарлик кўрган, адолатли танлов

мезонлари шартига тўлиқ жавоб бера олган йигитлар ҳарбий жамоаларда ҳам тезда ўз ўринларини топа оладилар. Ҳарбий илм сирларини мукаммал эгаллашда унчунча қийинчиликларни писанд этмайдилар. Энг муҳими, билимдон, интеллектуал салоҳиятли, ҳар томонлама етук посбонлар орасида интизомсизлик, қонунбузарлик каби хунук ҳолатлар деярли қайд этилмади.

Ватанга муҳаббат ва уни ҳимоя қилишга тайёр бўлишдек гўзал фазилатлар ҳарбий хизмат жараёнида янада тақомиллашиб, ҳар бир йигит онгиде мустаҳкам илдиэ отади. Бу ҳам бўлса тарбиячи офицерларнинг ўз ишларини қай даражада мукаммал эгаллашларига боғлиқдир. Бугун-

ги кунда Қуроли Кучлар сафини гўлдирётган йигитларнинг савияси ҳам тарбиячи офицердан ўз касбига чуқур масъулият ва теран кўз билан қарашни талаб этади.

Яқинда «Қамолот» ЕИХ Марказий Кенгаши ҳамда Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида «Армия ва «Қамолот»ни биласизми?» китоби босмадан чиқди. Ушбу китоб ҳарбий хизматга отланаётган йигитлар учун фойдали қўлланма бўла олади. Қисқа қилиб шуни айтишимиз мумкинки, армия сафларининг қай даражада сифатли бутланиши бугунги танловнинг сифатига ҳам боғлиқдир.

Миразиз МИРЗААХМЕДОВ, адлия майори

ВАТАНПАРВАР

Даврон 2002 йилда Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий техника билим юртига тўғаллаб, эғнига офицерлик либосини кийди. Демакки, ана шундан эътиборан юртимиз тинчлиги, осойишталлиги йўлида камарбаста. Офицер В.Абдураҳмонов командирлик қилаётган қисмда гуруҳ командири бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Маълумки, ҳар қандай ҳарбий ҳам разведкачилар жамоасида хизмат қилавермайди. Ҳар томонлама баркамол, жисмонан, маънан шакланган ўғлонларга бундай масъулият бундай вазифа юкланади. Ахир разведкачи ҳар қандай шaroитда мушакил қарор қабул қила олиши, турли фавқулодда ҳолатлардан чиқиб билиши керак. Дейлик, бу учун ҳарбий тактикани, ҳартиш билан ишланиш пухта эгаллаш талаб этилади. Катта лейтенант Ашуров бунга яхши ҳис қилади ва доимо кўл остидаги профессионалларга ҳам уқтириб келади. Шунингдек, у бўш вақтларида энг посбонларга кўл жангидан сабоқлар беради.

Уқув йилини жамоасида илгор гуруҳ командири сифатида яқунлади. Яқуний синовларда унинг шахсий кўрсаткиши ҳам, гуруҳи натижалари ҳам юксак бўлди. Аммо Даврон бу натижа билан чеқланиб қоладиган офицерлардан эмас. У танловнинг ички қўшинлар миқёсида бўлган босқичида ҳам муваффақиятли қатнашди. 100 метрга, 3 километрга югу-

зуси, мақсади йўлида бир лаҳза ҳам курашдан чеқингани йўқ. Унинг кураши билимини, дунёқарошини, интеллектуал салоҳиятини ошириш, баркамол ҳарбий бўлишдек устувор орсўсига уйғунлашган. Кураш шaётган одам яшаётганини ҳис қилади, ҳар хил тўқнашув-

нинг биз ҳарбийлардан умиди, ишончи катта. Юрт осойишталлигини таъмин этсак, ҳалқимизнинг тинч, бунёдкорона меҳнатини ҳимоя қилган бўламиз. Очиғи, танловда голиб бўлиш, соврин олишдан кўра, ўз билимим, тажрибамни ошириш учун интилдим. Ахир, бугуннинг офицери замонавий ҳарбий билимларни эгаллаган, дунёқароши кенг бўлмоғи лозим. Ўзбекистон офицери ҳеч бир мамлакат ҳарбийсидан кам бўлмаслиги керак. Ҳатто энг илгор мамлакатлар офицерлари билан халқаро машғулотларда тенгма-тенг беллаша олишимиз лозим. Қолаверса, офицер, командир кўл остидагиларни

Ички қўшинларда ЯШАШ КУРАШДАН ИБОРАТ

Катта лейтенант Даврон Ашуров разведкачилар жамоасида хизмат қилади. Вазифаси — гуруҳ командири. Даставвал унинг хизмат вазифаси билан боғлиқ ўзига ҳослик борасида тўғталсак. Айтиб ўтганимиздек, у разведкачи. Демак, эҳтимол тутилган йўналишдаги шартли душманнинг жойлашиш тартибини, унинг жанговар, микдорий таркибини, қурол-яроғи, жанговар техникаси, ҳаракатланиш тактикасини билиши керак. Қолаверса, шартли душман эгаллаган позиция ҳақида маълумотлар тўплаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш Даврон ва сафдошлари зиммасида. Катта лейтенант Ашуровнинг хизмат вазифаси хусусида биров тасаввурга эга бўлдингиз. Энди унинг ўзи билан яқиндан танишайлик.


риш беллашувиде барча рақибларини доғда қолдирди. Ҳарбий курашда разведкачи посбоннинг олдига тушадигани топилмади. Тактика, ўқ отиш тайёргарликлариде эса у ҳақамлар эътирофига сазовор бўлди. «Бизга ана шундай мард, жасур, билимдон офицерлар керак», дейишди улар баралла. Яқуний натижаларга кўра, у Ички қўшинларда энг илгор гуруҳ командири, деяр тан олинди.

Яшаш курашдан иборатдир. Лавҳамиз қаҳрамони мисолида оладиган бўлсак, у ўз ордан, қийинчиликлардан кўрқмайди. Аслида ҳаёт машаққатлари кураш завқини ҳис қилишда ёрдам беради. Ҳўзи энгил ҳаёт ахтарган кишидан ҳам аянчилиси борми? — Офицер сифатида, командир сифатида шаклланишимда вазов командири катта лейтенант З.Қамолов, унинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари катта лейтенант Ф.Акилов, подполковниклар — В.Абдураҳмонов, Р.Эминжонов, Д.Сулеймановларнинг хизматлари беқийё бўлди. Халқимизнинг, давлатимиз-

бугуннинг талаблари асосида тарбиялаши, уларни ҳарб илмининг моҳир мутахассисларига айлантиримоғи даркор. Қуроли Кучларимизда бўлаётган ислохотлар моҳиятини ана шундай кўраман. Шу маънода танлов менга кўп нарса берди, — дейди катта лейтенант Даврон Ашуров.

Инсон эриша олмаган нарсаси сари интилса, баркамоллашади. Лавҳамиз қаҳрамонининг фаолияти ҳам асосан ана шу фалсафа моҳиятига қурилган.

Майор Алижон САФАРОВ.



Китоб жавонлишига

ҲАРБИЙЧА АЛИФБО

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларини ислохот қилишнинг асл моҳияти жангчиларимизда Ватанга муҳаббат ва садоқатни, юксак маънавий фазилатлар ҳамда мустаҳкам иродани тарбиялашга, касбий маҳоратни ошириш, профессионализмни, аъло даражадаги жанговар тайёргарликни таъминлашга қаратилгандир.



Шу эзгу мақсадлар йўлида хизматда бўлган ҳарбий шифокор ва ижодкор Искандар Раҳмоннинг «Ҳарбийча алифбо»

деб номланган мўъжазгина шеърй китобчаси босмадан чиқди. Она-юрт тинчлиги, осойишталлиги, сарҳадларимиз даҳулисизлигини бедор кўриқлаётган марду майдон аскарларимизга бу китобча доимий ҳамроҳ ва мададкор бўлади деб ишонамиз.

Мукаддас бурч — Ватанин Матонат-ла асрамоқ! Мушакил юрт-жон-танин, Мехру онт-ла асрамоқ! * * *

Ўзига бек ўзбекмиз, Ўзбекининг юз-кўзимиз! Ўт-оловдан асраймиз, Ўз уйимизни ўзимиз. Ўз муҳбиримиз.

ХИЗМАТЛАРИ АЪЛО

Капитан Рустам Усмонови Тошкент гарнизонида кўпчилик танийди. У анча йиллардан бўён комендатурада гауптвахта бошлиғи бўлиб хизмат қилиб келаяпти. Умумҳарбий низомларни пухта билади. Зарур қоидаларни ёд олган. Бу сўзлар унга таърифимизнинг бир томони, ҳолос.

Энг муҳим жиҳати, низом қоидаларига қатъий амал қилади ва шу билан бирга бошқалардан ҳам ана шу қоидаларга оғишмай риоя этишни талаб қилади. Аслида хизмат вазифасининг талаби ҳам шундай.

— Менга, — дейди Тошкент гарнизони комендант, подполковник Қаҳрамон Жумаев, — капитан Усмоновнинг топшириқни тез ва соз бажариши ёқди. Ҳамиша тетик, бардам. Яширишнинг ҳоҳати йўқ, баъзи ҳарбийларимиз ҳарбийча саломлашишни ҳам талаб даражасида амалга ошира олмайдди. Ана шундай пайтда капитан Усмоновнинг жуда чиройли ҳаракатлар билан ҳарбийча саломлашишни кўз олдимда намоён бўлади. Кимларгадир бу гапларим эриш туюлиши мумкин. Аммо жиддийроқ ёндошадиган бўлсак, ҳарбийнинг интизомлиги ана шу оддий саломлашишдан бошланади-ку?!

Капитан Рустам Усмонов турли тоифадаги ҳарбий хизматчилар билан қандайдир тартиббузарлик ёки қондубзарлик қилган ҳолларда дуч келади. Ана шундай чоғларда улар билан Умумҳарбий низомлар қоидалари борасида тушунтиришлар ва бошқа тарбиявий ишларни олиб беришига тўғри келади.

— Ҳарбий кишининг хатти-ҳаракатида эътибор қилмаса бўлмайдиган жиҳат йўқ, — дейди капитан Усмонов. — Ҳарбий сочини ўстириб юрбидимизга бу китобча доимий ҳамроҳ ва мададкор бўлади деб ишонамиз.

Абдуразоқ ОБРЎЕВ, подполковник

Шарқ дурдоналари



● Фарзандлар ота-онага итоат этиб, ҳар бир фурсатни уларнинг ризолигисиз ўтказмасликлари лозимдир. Ҳар бир саодатли ва азиз фарзанд ота-она кайфиятини розилик белгиси билан хандон қилади, ота-она хурсандчилигини ўзига келадиган яхшиликнинг дебонаси деб билади. Наҳот эшигининг калити ва саодат гулзорининг насими ота-она туйфайли ҳосил бўлади. Фарзанд ўстиришдан мурдадо шулки, улар имкони борича ота-она хизматини қилсинлар ва ҳеч қачон уларга уят ва шармандалик келтирмасинларки, уят ва шармандалик ота-онанинг фарзандга бўлган меҳру муҳаббат оинасини ғуборлаштиради. Бундай ёмон фарзанддан бегоналарни яхшироқ деб ҳисоблайдилар.

● ҲИКОЯТ. Сўзлари адаб гавҳарининг тожи, ўзи араб ҳақимларининг устози бўлган Собит ибн Куррадан куйидаги ҳикматларни нақл қилдилар: «Жисм роҳати овқатнинг озиди, руҳ роҳати кам ейишда, тил роҳати оз гапиришда!» Лекин сўз айтиш лозим бўлган жойда жим ўтирмақ зиёнга йўл қўймоқ ва маломатга қолмоқдир.

Агар кўрсангки
йўлда чоқдир,
Агар хомуш ўтирсанг
зўр гуноҳдир!

Байт:
Агарчи жим

Ўтирмақ хирадманд
наздада хушдир,

Валекин маслаҳат
пайтида хуш бўлмай

фиқр айтмоқ.

Библи кўй, икки
пайтида жим ўтирмақ

бефаҳмликдир.

Керак пайтида сўз айтмай,
ножерак пайтида дам урмак!

Яъни жим турмоқ пайтида сўзламоқ оқибатни ўйлаб иш тутувчилар учун нолайиқ ишдир. Шунингдек, гапириш лозим бўлган вақтда индамай турмоқ оқибатлар наздада номувуфқидир.

Ақлу тadbир билан
йўлба қарадим,

Сергап бўлса ҳар
ким доим хор экан.

Айтмагайман лабу
кўзни юм доим,

Аммо ҳар бирининг
жойи бор экан.

● ҲИКОЯТ. Айтишларича, беҳуда сўзлашдан кўра жим ўтиришлик афзал эканлиги ҳақида Рум қайсари, Ҳинд роҳаси, Чин фағфури ўртасида мунозара бўлиб ўтган эди. Улар ўзаро бир фикрга келдилар ва бир маънодаги сўзларни турли ибратда баён илгари тиздилар.

Рум қайсари шундай деди: «Айтган баъзи сўзларимдан қаттиқ надомат тортидим. Аммо айтмаган сўзларимдан ҳеч пучаймон бўлмадим!» Назм:

Айтилмаган сўздан
надомат етмас,

Сўз айтилгач, ундан
зарар юзланар!

Ҳинд роҳаси ақл дарёсидан дур ҳозирлаб, баён илгари терди-ю, деди: «Сўз ўқи баён камонидан ҳали отилмаган экан у менинг кўл остимдадир. Оғиз камонидан отилиб қиқса, унга энди эгалик қиллолмайман!» Байт:

Айтилмаган сўзни
айта оларсан,

Айтилгани қачон
тута оларсан?!

У давом этиб деди: «Ҳар сўз ўқи камондан уса ва ҳар калима оғиз зиндонидан қўча уни қайтариб оламан дейиш хом хал्लीқдир!» Байт:

Шошилмақдан
тайгин доим ўзни,

Истагандай бўлсанг
бўлади сўзни!

Янги йил биз «Оқшом»чилар учун янги саҳифалар йили бўларди. Кириб келаётган йилга таралдув арафасида бош муҳаррир хузурида тез-тез йиғилишиб турардик. Бу йиғилишлар асосан ўтаётган йил сарҳисоби ва янги йил режаларига бағишланарди.

Янги йил кириб келадиган кун яъни эски йилнинг қузатув маросимида биз таҳририят аъзолари бир-биримизни бўсағада турган Янги йил билан қутлаб, келгуси ишларимизга муваффақиятлар ва оилаларимизга эса бахт-саодат тилаб кучоқлашиб хайрлашарканмиз, ҳаммамизнинг дилимиздан таҳминан шундай сатрлар ўтарди:

Табассумга чўмилсин дунё,
Қордек оппоқ бўлсин дилимиз.
Бўлсин қордек тоза-мусаффо,
Қадам қўйган Янги йилимиз.

Янги йилнинг биринчи кунини эса газетамиз бутунлай янгича қиёфада муштариёлар қўлига бориб тегарди. Қачонки кўп сонли ўқувчиларимиз тилидан «Оқшом»нинг Янги йил сони — янги қадами юзасидан миннатдорчилик сўзларини эшитганимиздан кейин ўз ишимиздан қониқиб ҳосил қилиб белгиланган режаларни бажаришга киришиб кетардик.

Янги йил арафасида бугун муборак тавааллудининг 100 йиллиги нишонланаётган Ойбегимизнинг ўша 1984 йилда 80 йиллигини нишонлаш юзасидан олиб борилаётган тайёргарлик хусусида бир саҳифа материал эълон қилинди. Шунда «Тошкент оқшоми» ўз газетхоналарига шундай мурожаат қилганди: «Азиз «Оқшом»хонлар! Атоқли адиб ва шоир Ойбек хотираси ҳар биримиз учун ҳамisha суоқ ва ардоқли. «Кутлуг қон» ва «Навоий» каби ўлмас романлар муаллифининг барча асарларини биз севиб ўқиймиз ва улар боғлиқ хотираларни юракда авайлаб-асраймиз.

Кўп қиррали истеъдод соҳибининг авлодларга мерос ижодини безаб турган оташин асарлари, уларнинг эъзимиши тарихи билан боғлиқ воқеалар ҳаётининг номаълум саҳифаларини ойдинлаштиради. Мухлислар даврасида шеърлар ўқиган, уларга дастхатлар ёзиб берган адиб билан учрашув таассуротлари ва фотосуратлар ижодкорнинг яхлит, мукаммал қиёфасини яратиб, адабиёт илосмандлари ва халқ мулкига айланади...

Адибнинг дўстлари, шоғирдлари, кўп сонли мухлислари Ойбек ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ барча қизиқарли материалларни «Тошкент оқшоми»га лўтдан тақдим этиб боради, деб умид қиламиз. Биз уларни газетамиз саҳифаларида мунтазам эълон қилиб бораемиз. Мақтубларинизга мунтазирмиз, қадрли «оқшом»хонлар!».

Бу биринчи навбатда газетанинг улғу адибга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтироми бўлса, иккинчидан, унинг мухлисларини кўпроқ газетатага жалб этиш ва шу йўл билан сеvimли ёзувчимиз ҳақида теша тегмаган гаплардан оқшомхонларни бохабар этиш эди. Албатта бу қаҳриқ муштариёлар орасида кенг эътибор қозонди. Улар атоқли адиб билан бўлган учрашувлардан олган таассуротлари ва умуман у ҳақда кўрган-билганларини «Оқшом»га йўллашди. Шу орқали Ойбек ҳақида бой маълумот тўпланди ва улар газета саҳифаларидан навбатма-навбат ўрин олди.

Ўша йилнинг 8 декабри республикамиз меҳнаткашлари учун яна бир қутлуг сана бўлди. Ўзбекистонимизнинг 60 йиллиги кенг тантана қилинди. Газета бу санага аталган «Жаҳон ичра тенгсиз жаҳоним — 60 ёшли Ўзбекистоним» рунки остида республикамизга бағишланган энг сара публицистик мақолалар ва шеърлий сатрларни эълон қилди.

Худди шу йили газетамиздан яна бир қатор муштариёлар эътиборини қозонган саҳифалар ўрин олдики, бугун уларнинг баъзиларини санаб ўтсак ўринли бўлади, деб ўйлаймиз. «Инсон. Жамият. Қонун», «Тошкентнинг олтин кузи» санъат фестивалига бағишланган саҳифалар, шунингдек, «Нон — бебаҳо бойлигимиз», «Ватанпарвар» ва бошқа шу каби саҳифалар ўша даврнинг энг мазмунли чиқишларидан бўлди десак ҳам бўлмайди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, «Оқшом» шаҳар газетаси бўлишига қарамай, унинг саҳифасидан пахта йигим-терими билан

боғлиқ мавзу албатта ўрин оларди. Республикаимизда пахта йигим-терими бошланиши билан пахта мавзусини ёритиш учун махсус муҳбирлар пости ташкил этилар, улар турли вилоятларнинг «оқ олтин» далаларини кезиб газетанинг навбатдаги сонига репортажлар тайёрлаб келишарди. Бу мавзудаги мақолалар «Биз ҳаммамиз пахтакоримиз» рунки остида гаҳэтхоналарга тақдим этиларди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими собиқ «Оқшом»чи Алиназар Эгамназаров шундай ҳикоя қилади: «1983-84 йиллардаги пахта мавсумларида ҳамкасбим Ҳамид Икромов (охирати обод бўлсин) билан пахтазорлардан ёзган репортажларимиз ҳамон ёдимда. Биз Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларининг пахтазорларидан биринчи йили 55 та, иккинчи йили 75 та репортаж

маддон дўстимизнинг бугунги кунда «Сайланма» китобларидан кенг ўрин олган, ҳозир ҳам мухлислар тилидан тушмаган энг гўзал, самимий, соғинчли шеърлари ўша «Оқшом»да ишлаб юрган йилларида ёзилган. У Тошкентни ҳам, «Тошкент оқшоми»ни ҳам айрича бир муҳаббат билан яхши кўради. Шаҳарнинг «қумсувоқ болхоналари»га меҳрини бериб, Ватан ҳақида жозибали шеърлар битди. Куйида парча келтириллаётган шеъри ҳам айни ўша «Оқшом»даги оқшомларда ёзилган.

Кўнглим сезар, энди бу ёғи аён,
Дўстларим, дўстларим,
бахтли боламан:
Ё Тошкентда энг зўр
шоир бўламан,
Ё уйимга кетиб, ариқ бўйида
Ялпизга суяниб

ўлиб қоламан.

Завку шавқнинг, ҳижрон, меҳру соғинчнинг зўридан шундай деган. Унинг устозларга ҳам меҳри бўлакча эди, Абдулла акани жуда яхши кўрар, кўплаб шеърларини ёддан биларди. Устоз ҳақида қизиқ бир хотираси бор эди: «Мақтабда ўқиб юрганимда шаҳарни кўраман деб, уйдан қочиб Тошкентга келганман, воқеалда Абдулла акани кўриб қолиб сазломлашимдан, оёғимга қараб, исмиمنى сўраб, кейин кўлимдан етаклаб бориб дўкандан туфли олиб берган». Худо суйган қулига елтиб берай йўлига, деганларидек, Худонинг ўзи дуч келгандай, кейинчалик Мухаммаддон устозининг энг сукули, собиқ шоғирдларидан бири бўлиб қолди».

Тошкентда уй-жой қурилиши ва унинг тақсимоти билан боғлиқ масала йил сайин долзарб муаммога айланиб бораётган пайтлар эди. Ушунда таҳририятимизга меҳнаткашлардан келган кўплаб хат-хабарлар шундан далолат беради. Ўз навбатида «Оқшом» газеталари ҳам бу мавзунинг долзарб муаммога айлантирди. У «Уй-жой қурилиши ва тақсимоти «Оқшом» назоратида» янги рунки очиб ҳар ҳафтада бир марта материаллар эълон қилиб борди. Шубҳасиз, бу хусусдаги мақолалар муштариёлар эътиборини қозонди. Шу ўринда ўша кезларда муҳарририятимиз номига келган бир мақтуб билан ўртоқлашишни лозим топдик.

—Мен «Оқшом»ни севиб ўқиб бораман. У менинг қундалиқ қадрдонимга айланган. Кунни кеча газетанинг биринчи саҳифасида уй-жой тақсимоти ҳақидаги янги рункига кўзим тушиб қолди. Бу ердаги материаллар билан таниша туриб газетанинг ҳамisha давр билан ҳамнафаслигию ва ҳозиржавоблиги яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Очиги, биз ҳам ана шундай уйга муҳтож кишиларданмиз. Катадек ҳовлида 19 жон истиқомат қиламиз. Гап шундаки, Бехезод кўчасида жойлашган ҳовлимиз ўта тор, шунинг учун уй-жой олиш умумий навбатига ёзилиб қўйганмиз. Афсуски, орадан йиллар ўтяптики, ишимиз ҳеч олга босмайди. Ҳар гал туман ҳокимиятидагилар ваъда қилишадю, ваздаларининг устидан чиқишмайди. Илтимос, шу масалада бизга ёрдам берсангиз. Сазлом билан

Мухаррам Дехқонов».

Газета бу хат юзасидан дарҳол туман уй-жой таъминоти бўлими билан боғланди. У ердагилар хатда келтирилган фактларни тўла тасдиқлашиб, газетхонанинг бу илтимосини инобатга олажақларини айтишди.

Биз шу ўринда таҳририят аралашувидан сўнг уй-жой олиш шарафига муяссар бўлган Рустам Салимов, Маҳкам Назаров, Шаҳодат Алиева ва бошқаларнинг номларини тилга олгимиз келади. Зеро, улар рўзномага йўллаган ўз миннатдорчилик мақтубларида бу ҳақда тўлиб-тошиб ёзишган.

Тўғри йўлдан бораётган кишида беҳитиёр орқага қайрилиб қараш, босиб ўтган йўлга назар ташлаб уни чамалаш одати бор. Бугун таҳририятнинг ўтган йилларига рағм сола туриб, бу йиллар турли-туман воқеаларга бой ва сермазмун бўлганлигини хис этамиз. Бу давр мобайнида газетамиз қанчадан қанча ҳамшаҳарларимизнинг талаб ва истақларини бажарди. Улардан жуда кўплаб миннатдорчилик мақтубларини олди. Албатта бу биз «оқшом»чиларнинг ютуқлари эди.

Маҳкам КОМИЛЖОНОВ

Ҳимна саҳоси

**«ОҚШОМ»НИНГ
ЎТГАН КҮНЛАРИ
ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ҲИКОЯ**

ёзгандик. Уч вилоятда биз бормаган хўжалик, биз юрмаган йўл қолмаганди. Ёзган репортажларимиз Абдуваҳид Ҳатамов таржимасида «Вечерка»да ҳам эълон қилинган. Бир мавзуда ва бир жанрда кўплаб материал ёзишиминг ўз мураккабликлари бор. Киши айрим фактлар, фикрларни такрорлаши мумкин. Лекин биз шундай қилмасликка ҳаракат қилганмиз. Кейинчалик Ҳамид раҳматли: «Алиназар, менимча шу репортажларимизни Геннеснинг «Рекордлар» китобига киритса бўлар-ов. Чунки дунёда ҳеч бир журналист бир мавзуда шунча кўп репортаж ёзмаган бўлса қерак», деб қулиб гапириб юрди.

Ўша йили газетамизда хизмат қилган забардаст журналистлар қаторида Ўзбекистон халқ шоирли Мухаммад Юсуф (марҳум)нинг ҳам алоҳида ўрни бор эди. У «Оқшом»нинг адабиёт ва санъат бўлимини бошқарар, ўзининг адабиёт ва санъатга хос чиқишлари билан бир қаторда шеърлий лўқмалари билан ҳам муштариёлар орасида кенг шухрат топганди. Шу ўринда шоирнинг биргина «Этиқдўзим — ширин сўзим» шеърлий лўқмасини эслаб ўтиш қифоя. У куйидаги сатрлар билан бошланади:

Этиқдўзим, ширин сўзим...

—Нима дейсан, гапир, кўзим?

Туфли ранги ўчиб кетди,

Лақлатганди кўчиб кетди.

—О, хизматда доим шаймиз,

Курсига чўк тўғирлаймиз.

У елкамга қоқиб қўйди,

Устимга бир боқиб қўйди.

Ва олдига туллаб кетган,

Чўтка билан оқ ип қўйди.

—Мана чўтка мойлаб олгин,

Ана боғич бойлаб олгин.

Ўзим мойлаб, ўзим бойлаб,

Бўлгунимда турди пойлаб.

Куругиндан олди кейин,

Келиб тур деб қолди кейин.

Шоирнинг сеvimли дўсти Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, шоир Сирожиддин Саййид шундай эслайди:

«Ҳар оқшом чиқадиган «Оқшом» саҳифалари билан бизнинг ойлариимиз ҳам тарқалиб кетаверди. Қиш ўрнини баҳорлар, баҳор ўрнини ёзу кузлар эгаллаб, алмашини ўтавердилар. «Оқшом»даги фасллар бизнинг ҳақиқий шеърлий баҳоримиз — кўламмизини бошлаб берди десам лоф бўлмайди. Бу қутлуг даргоҳда тўрт йилмиш бирга кечган бўлса, агар шеърсиз, бирор сатрсиз ўтган кунни мен эслолмайман. Мухаммаддон ҳар кун, кун ора ё бир кунда икки-уч бор ҳам бир янги шеър ўқиб беради. Шеърят билан машғуллимиз шу даражага бориб етдики, охири «Летучка»да икковимиз ҳам дашном эшитдик. Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ака Ёқубов жиддий баёнот берди: «Ё шоирлигингилани қилганга, ё газетата қарангай! Бунақамас-да ҳаммамизнинг ўрни бор». Шеърлар эса ёзилар эди, газета чиқар экан, ё бугун навбатчи экансан, деб қараб турмасди. Мухам-

КУНДАЛИК ТАШВИШИМИЗГА АЙЛАНСИН ҲАШАР

Юртимизга ниҳоят пишиқчилик мавсуми — ёз ҳам кириб келди. Унинг илк ҳарорати 30 даражадан юқори бўлаётган кунлари эса «бу ҳолва, бундан-да жазирама кунлар хали олдинда — чилла киришига анча бор, демак, чидаш бўлма», дея огоҳлантираётгандек туюлади.

Табииий, шу иссиқ кунларда бутун тирик мавжудод, ҳашаротларга ўсимликлар ҳам намликка, сувга интилади. Об-ҳаво қанчалик қуруқ бўлмасин, микроклим мувозанатининг сақланишида шарақлаб оқётган ариқлар ховузлар, кичик мейморий гузаллик сиймоси — фаввораларнинг ўрни алоҳида аҳамиятлидир. Бундай вазиятда инсон қанчалик толиқиб, уйга шошилмасин, йил-йўлаккай бир зумга бўлса ҳам бундай лаззатдан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилади. Ҳа, сув — оби ҳаёт, табиятнинг бебаҳо немати. Борлигимиз асоси бўлган бу инъомни асраб-авайлаш ҳаммамизнинг бурчимиз эканлигини ҳеч қачон унутмайлик.

Сув бор экан, атроф муҳит ям-яшил, ҳаммаёқ тоза ва ораста бўлади. Лекин бунинг қадрига ҳамма ҳам, ҳамма ерда ҳам етавермаслиги сир эмас. Жойлар борки, бағри-дилгинг очилади, жойлар борки, кўнглингни гаш қилади, кайфиятигн тўшиб кетади. Аммо инсон бор экан, унинг қўли етган жой албатта обод бўлиши, гуллаб-яшнашига ишончимиз камил. Бунинг учун фақат хоҳиш-истак, ташаббус бўлса kiffoя. Катталар кетидан ёшлар эргашади, ота-оналар бошлаган ишни фарзандлар давом эттиради. Қарабсизки, бироз

ўтган атрофдагилар, қўни-қўшиллар ҳам бу хайрли ишга киришиб кетадилар. Халқимизда бундай ҳашар дейдилар. Ҳа, кимки яхши ният билан ташаббус кўрсатса, у албатта кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланади.

Ободлик хусусидаги қадриятимиз ҳақида яна бир шингил гап. Тўй-томошаю байрамлар олдида, меҳмон кутилганда уй-жойлар покчилик қилиниб, кўчалар тозаланиши кўп миллатларга хос одат бўлса, ўзбеклар бундай юмушларни кунда қилишга одатланган ва бундай авлод-аждодларимиз оша қон-қонимизга сингиб кетган удуум десак адашмаймиз. Эрта билан саҳарда меҳрибон буваю бувижонларимиз, ота-оналаримиз яхши ният билан биринчи гада кўча эшигини очиб қўядилар. Бунинг маъноси эса оддий, лекин ҳикматиладир. Кунимиз осуда ўтсин, ниятларимизни парилар қўлласин, уйимизга, демакки юртимизга файзу тароват олиб келсин. Файзу тароват эса фақат саранжом-сарийшта хонадонларга ярашади, кўнгли обод кишиларгагина мансуб хислат. Шунинг учун ҳам ўзбек аёллари ҳрвли, кўча олдини сўпуриб сув сепишга одатланганлар, бу урф ҳам анъанавий тарзда ондан қизга, келинларга ўтиб келади.

Кейинги йилларда ободончилик масалала-

ри давлат сиёсати даражасига кўтарилаётганининг боиси ҳам шунддир, яъни юртимиз қанчалик обод, кўркем бўлса, поклик, ёруғлик устун келади, бу инсонларни фақат яшашликка ундайди, оилаларда тинчлик-хотир-жамлик ижобат бўлади.

Бу борада яшаш манзилларидан ташқари, меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида тез-тез ҳашар кунлари ўтказиб турилиши ҳам айни пайтда анъанга айланиб бораётганини таъкидлаш ўринлидир. Жумладан, айрим корхона, ташкилот ёки муассасаларнинг доимий ўз қарамонига олган ҳудудлари бор ва шу жойларда вақти-вақти билан ободончилик ишлари амалга ошириб турилади. Масалан, Тошкент Давлат юридик институти раҳбарияти ва талабалари Амир Темур хибобонини ҳамда шу атрофнинг саранжом бўлишини ўз зиммасига олган бўлса, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Марказий банк ва Алишер Навоий номидидаги опера ва балет академик театри оралигидаги Керамика боғини оталикка олган ва бу ерда деярли ҳар



ҳафтада ҳокимлик томонидан тозалаш ишлари олиб борилиши яхши одатга айланиб қолган. Кўчи кеча ёз мавсумининг биринчи шанбасида Керамика боғи ҳамда шаҳар ҳокимлиги яшил ҳудудиди кенг тарзда ободончилик ҳашари ўтказилиши қайд этилган анъананинг давомийлигидан далолатдир. Унда 200 га яқин шаҳар тузилмалари ишчи-ходимлари иштирок этиб, юздан зиёд манзарали дарахтлар ва гул кўчатлари суғорилиди, яшил майдон ҳудуди боғона ўтлардан тозаланди, уч юз погон метр ирригация тармоқларига сув келтирилди.

Бундай хайрли ишлар фақат кўнгли пок, обод кишилар қўлидан келади. Ниятимиз — поклик, ободлик ҳаммамизга ҳамроҳ бўлсин ва ҳашар кундалик ташвишимизга айлانسин.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

СОҒЛОМ МУҲИТ — СОҒЛОМ ҲАЁТ ГАРОВИ

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг атроф-муҳит, экологик муаммоларни ҳал этишга катта эътибор қаратилмоқда. Мана бир неча йилдирки 5 июнь экология байрами сифатида кенг нишонланади ва шу муносабат билан «Экосан» халқаро ташкилоти томонидан 1-10 июнь кунлари «Экология ва саноатли кунлар»нинг иккинчи босқичини ўтказиш анъанави айланиб қолган. Бу йил ҳам мазкур санага бағишлаб «Санитария, гигиена ва экологик маданият» декадаси эълон қилинди.

Ушбу тадбир доирасида «Соғлом муҳит - соғлом ҳаёт гарови» шиори остида барча ташкилот ва корхоналарда, ўқув масканларида, аҳоли турар жойларида ободонлаштириш ва санитария-профилактика ишлари олиб борилиб, ариқ-зовурлар ва бошқа очик сув ҳавзалари, канализация тармоқлари тозаланимоқда. Мазкур ҳашарлардан тушган маблағ «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган бир қатор тадбирларни, Оролбўйи миятқаси ва бошқа экологик жиҳатдан ноқулай бўлган минтақалар аҳолиси ва ижтимоий объектиларига инсонпарварлик ёрдамини ташкил этишга йўналтирилади.

Кўни кеча «Экосан» халқаро ташкилоти томонидан Ботаника боғида анъанавий тарзда ҳашар ўтказилди. Унда Олий Махлис депутatlари ва Сенат аъзолари, фан, маданият, санъат, адабиёт арбоблари, дипломатик корпус, турли халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

— Боғ коллекциясида бутун дунё китъаларидан келтирилган дарахтлар ва бошқа ўсимликларнинг турли хиллари мавжуд, — дейди «Экосан» халқаро ташкилотининг президенти Юсуф Шодиметов. — Мазкур ноёб табиий объектнинг умумий ҳолати илмий-тадқиқот мақомига тўғри келмайди. Боғ жамоасининг ишлари янада яхшилаш учун қўшимча молиялаштириш, хорижий сармояларни жалб қилиш зарур бўлади. Шу муносабат билан экологик ҳашар иштирокчилари боғнинг бой коллекциясини сақлаш, уларни кўпайтириш ва асраб-авайлаш ишларида боғ ходимларига молиявий ёрдам кўрсатса, БМТнинг атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш борасидаги ҳужжатларидан бири Биологик хилма-хилликни сақлаш ҳақидаги Конвенцияни зомининг амалиётига мос тушган бўлар эди.

Гулором ХАМИДОВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ТАБИИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

2005 йил 1 июндан табиий газ учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2005 йил 30 майда тасдиқланган янги тарифлар жорий қилинади.

Иситиш газ асбобидан қатъи назар, аҳоли томонидан уйлар ва хонадонларни якка тартибда иситиш учун фойдаланилган табиий газ ҳақи беш ойдан иборат иситиш мавсумидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ой учун тенг миқдорда белгиланади.

Иситиладиган майдон меъёри бир кишига 43 метр куб ҳисобиди белгиланган.

Иситиладиган хонанинг меъёрий ҳажмини (1 кишига 43 метр куб) иситиш учун фойдаланиладиган газ миқдори белгиланган тарифлар бўйича тўланади. Иситиладиган хонанинг меъёрдан юқори бўлган ҳажми учун газ ҳақининг бир ярим баравари ҳисобиди ҳақ тўланади.

1. Табиий газдан фойдаланишда аҳоли учун белгиланган тарифлар:

№	Истеъмолчилар турлари	Стандарт	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги учун тариф (сўм)
1.1	Газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилган аҳоли хонадонларига бериладиган газ	ГОСТ 5542-87	10 м³	108,73
1.2	Газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган аҳоли хонадонларига бериладиган газ. Овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун	-/-	10 м³	187,90
	Иситиш учун	-/-	10 м³	87,12

Эслатма: 2005 йил 11 июнгача газ ҳақи газ ҳисоблагич кўрсаткичи бўйича эски (10 м.куб. — 92,14 сўм) нарх ҳисобиди олинади. 2005 йил 11 июндан бошлаб газ ҳақи янги тариф бўйича олинади.

2. Коммунал-маиший эҳтиёжлар учун табиий газдан фойдаланишда газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган хонадонлар учун белгиланган тарифлар (ГОСТ 5542-87):

№	Истеъмолчи тавсифномаси	Ўлчов бирлиги	Тариф бўйича тўлов (сўм)	
			Йиллик	Ойлик
2.1	Марказий (якка) иссиқ сув таъминотига эга бўлган уйларда овқат пишириш учун маиший газ плитаси	1 кишига 11 м³	2480,4	206,7
2.2	Марказий иссиқ сув таъминотига эга бўлмаган уйларда овқат пишириш учун маиший газ плитаси	1 кишига 15 м³	3382,2	281,85
2.3	Марказий иссиқ сув таъминотига эга бўлмаган ёки иссиқ сув билан вақти-вақти билан таъминланадиган уйларда иссиқ сув билан таъминлаш учун газли сув иситтич	1 кишига 16 м³	3607,2	300,6
2.4	Иситувчи газ асбобининг туридан қатъи назар, уйлар якка тартибда иситиладиган шароитда, беш ойдан иборат иситиш мавсумидан келиб чиққан ҳолда, газдан тақвим йил мобайнида бир маромда фойдаланиш	Хонанинг 1 мқга 5,76 м³	251,0	50,2

«Тошкентшаҳаргаз» ХГТ корхонаси

Тошкент шаҳар Меҳнат бoш бошқармаси томонидан Али Зафар номига берилган «Меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномаси» йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Хўжалик ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгазининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз: **133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.**

Спорт

СОҒЛОМЖОН — ПОЛВОНЖОН

Келажагимиз ворислари — фарзандларимизнинг жисмонан бакуват, маънан баркамол бўлиб вояга етишларида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти беқиёс.

Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва зирлиги қошидаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан мактабга тарбия муассасалари, мактабларда турли хил спорт мусобақалари уюштирилмоқда.

Куни кеча Чилонзор туманидаги 294-боғчада тарбияланувчилар ўртасида спорт беллашуви ўтказилди. «Соғломжон — полвонжон» деб номланган ушбу мусобақаларда кичкинтойлар спортнинг арқон тортиш, узокка сакраш, югуриш шахмат, шашка турлари бўйича ғолиб бўлиш мақсадида баҳс олиб боришди. Шиддатли курашларга бой, мurosасиз кечган беллашувларда ғолиблар аниқланиб, мусобақа якунида уларга эсдалик совғалари ва совринлар тўхфа этилди.

ЎСМИРЛАРИМИЗ ЖИДДИЙ СИНОВДА

Айни кунларда Қозоғистоннинг Остона шаҳрида 1994 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида футбол бўйича Марказий Осиё минтақаси чемпионлар лигаси мусобақаси ўтказилмоқда.

Ушбу нуфузли турнирда Остонанинг «Евразия», Алматининг «Цвевна», Павлодарнинг «Иртиш», Омскнинг «Динамо» жамоалари билан бирга «Пахтакор» футбол мактаби ёш тарбияланувчилари ҳам ғолиблик учун кураш олиб боришмоқда. Шуниси эътиборлики, гуруҳда биринчи, иккинчи ўринларни эгаллаган жамоаларга ушбу турнирнинг кейинги босқичида иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Бугун якунланадиган ушбу беллашувлар ғолиблари Москванинг Тольятти шаҳрида уюштириладиган кейинги босқич баҳсларига тайёргарлик кўришди. Биз эса ёш «пахтакор»чиларга омад тилаймиз.

СОБИК «ПАХТАКОР»ЧИ — ОҚҚҮРҒОНДА

Тажрибали футболчилардан бири Бахтиёр Қамбаралиев мамлакатимизнинг етакчи жамоаси «Пахтакор» таркибига ҳам тўп сурганлиги ҳали мухлислар ёдидан кўтарилмаган.

Чунки Бахтиёр ўзининг чиройли ўйинлари билан «Пахтакор» галабаларига муносиб ҳисса қўша олган.

Аслида Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида таваллуд топган Бахтиёр Қамбаралиев олинган маълумотларга кўра Тошкент вилояти чемпионати иккинчи лигасида қатнашаётган Оққўрғоннинг «Акмал» жамоаси таркибига қабул қилинган. Демак, тажрибали чарм тўп устаси Бахтиёр эндиликда ўз тумани жамоаси шарафини химоя қилади.

(Ўз мухбиримиз)



Хайри акааналаримиз

БОҒДА — МАҲАЛЛА КУНИ

Республикамизнинг мустақилликка юз тугиши барча соҳалар каби маҳалларимизнинг гуллаб-яшнаши, ривожланиши, бир сўз билан айтганда том маънода Ватан ичра кичик бир Ватан даражасига етишига замин яратди.

Маҳалла кунининг анъанавий тарзда байрам сифатида нишонланиб келиши ҳам азалий қадриятларимиз тикланаётганидан эркин далолатдир. Зеро, ушбу байрамга тайёргарлик доирасида ҳудудлар ободонлаштирилади, хайрия тадбирлари ўтказилади. Турли хил мусобақалар ва касб танловлари ташкил этилади.

Шаҳримизда бу йилги маҳалла кунини байрамими Оқтепа туманидаги «Урикзор» ва «Оқтепа» маҳаллалари бошлаб беришди.

«Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, маҳаллалар фаоллари сайёҳаракатлари билан тадбир Чилонзор туманидаги сўлим ва хушманзара Гафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди.

Тадбирда иштирок этганлар маҳаллаларда ишлаб чиқилаётган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизмат турлари билан танишишди. Мехмонларга айниқса «Урикзор» маҳалласида истикомат қилувчи ёғоч уймакорлиги бўйича уста Ахрор Жўраевнинг маҳалла баландлари билан бирга ясаган тур-



ли буюмлари катта таассирот қолдирди.

«Оқтепа» ва «Урикзор» маҳаллалари бадий-ҳаваскорлик тўғраракли аъзолари томонидан тайёрланган концерт дастури, ёш спортчиларнинг чиқишлари тадбирга ўзгача раий киритди. Айниқса, ўзбек халқ оғзаки ижоди, халқ кўшиқларининг билимдони Санталат Сиддиқова ижросидаги дилтортар миллий кўшиқлар, шахсий коллекциясидан ўрин олган хунармандчилик намуналари ва ноёб тарихий осори-атиқаларнинг намойиш этилиши йиғилганлар кўнгилларини хушлуд этди.

Маҳалла кунини тадбири сўнггида маҳаллалар жонкуяр ва заҳматкашларига кимматбаҳо совғалар топширилди.

ДИЛМУРАД ИСМОИЛОВ СУРАТЛАРДА: Маҳалла кунини тадбирдан лавҳалар

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

...Ботир ва Мавлуда никоҳ оқшомиди сархуш ўтираркан, кун келиб бир-бирига қасди жон қилишни хаблларига ҳам келтирмаган бўлсалар керак. Бироқ уларни тақдирнинг сўқир сўқмоқлари йўлдан адаштирдими ёки эътиқод, ўзаро ишонч, ўртадаги муҳаббат аталмиш туйғу куйиб қул бўлган ҳазон япроғидек йўқликка юз тугишми, ҳайтовур ўзим уларнинг оиласига дарз кетди.

Қахрамонларимиз асли Қозоғистон Республикасининг фуқаролари ҳисобланишади. Аммо, жондан азиз фарзандлари Азамат оғир хасталикка чалинди-ю, Тошкентга йўл олишди. ТошМИнинг тажрибали шифокорлари уларга: «Болангиз тогузали кетгунача шу ерда яшамасаларингиз бўлмайди, бемор об-ҳаво алмаштириши шарт», дейишди. Фарзанд икки қалбнинг тотли меваси ҳисобланади. Улар рози бўлишди. Боз устига Мавлуданинг опаси Мавжудохон ҳам уларни илик қарши олди. Шу тариқа бу оила пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 14-мавзе, 4-уй, 59-хонадонда яшай бошлади.

Аста-секин ҳаммаси изга тушгандай бўлди. Азаматнинг ҳам дарди енгиллашди. Бироқ кундан кунга уларнинг меҳмонликдаги ҳаёти ўз рангини йўқота бошлади. Аниқроғи, Ботир Қосимов қайин опасининг уйда оиласи билан жойлашиб олиш баробарида ичкиликка ружу қўйди. Сабаб — бесабаб жанжал-тўполон аримай қолди. Мавлуда ўзини тақдир измига топшириб қўйдиган аёл эмасди. У эри билан очиқ гаплашишни лозим кўрди: — Тўрт йилдан бери опамникида яшаймиз, лекин бирор маротаба ҳам ёлчилик рўзғорига егиллик ологанимиз йўқ, Ахир бу уят эмасми, дадаси?

Эрдан сас-садо чиқмади. — Нимага индамайсиз? Менга қолса шу ерда бир кун ҳам турмасдим. Углимизнинг соғлиги учун тишимни ташимга қўйиб юрибман...

— Ҳўш, нима қилишим керак?! — Ботир хотинининг устига вожоҳат ўтиришни истамас, нотавон эрнинг бемаъни қилмишларини кечира олмасди. Шу боис, йилдан-терганини, қимматбаҳо зирак-узукларини сотди-ю, арзимас чой-чакага арзигулик пулни айлантириб рўзғор тебрата бошлади. Ишлари юришди шекилли тез орада Черныевка шаҳарчасидан кўпроқ миқдорда мол олиб келиб, сотадиган бўлди.

Шундай қулларнинг бирида у тўрт фарзанднинг отаси, «ГАЗ-24» русумли енгил автомобиль соҳибни Келдиёр Абдувоҳидов билан танишди. Аввалига шунчаки майда манфаатлар қуршоғидаги мусоабатлар бора-бора жиддийлик касб эта бошлади. Хатто К.Абдувоҳидов баъзи кечалари Мавлуда яшайдиган хонадонда тунаб қоладиган (!) одат чиқарди... Мавлуда барчасига бефарқ эди. Вояга етаётган болалар тарбияси... Хонадон соҳибаси Мавжудохон опасининг олдидаги шарми-ҳаё... Қўни-қўшилар олдидаги юзи шувутлик... Муҳими Мавлуда ўзини ана бир нарсадан — яъни, эрнинг устидан маънавий «ғалаба» қозонганидан ўзини

билан ёпирилиб борди. — Отанг бизни уйда сақлапти деб бош эгайми ёки катта бир рўзгор учун фақат мен ўзим бўзчининг моқисидий у ёқдан бу ёққа югиргайлаими? Ботирга ҳеч нимани тушунтириб бўлмади. Уни ичкилик, оқ арқонинг қора касофати буткул ўз чирмовиғига қирмаб улгурганди. Мавлуда эса опа хонадониди тирик товон бўлиб

ғолиб сезарди. Аммо... Бора-бора Ботир Қосимовда хотини Мавлуда Қосимова ҳамда Келдиёр Абдувоҳидовларга нисбатан нафрат ошса ошдики, асло сусаймади. Ҳатто, ҳаммага малҳам улашувчи вақт ҳам унга ҳаловат беролмади. Айниқса, хотинига берилган: — Ёнингда юрган эркак ким?

— Ёнингда юрган эркак ким?

Ҳукм қилди

ҲАЛОКАТГА САБАБЧИ ХИЁНАТ

Қадимшунос олимлар яқинда бир маълумотни овоза қилишди. Унга кўра инсоннинг инсонга қилган илк суиқасди бундан 2000 йил аввал, аникроғи эраимиздан олдин Миср фиръавни Аменхотеп I га нисбатан уюштирилган экан. Қизғин шундаки, онгли инсоният ўзининг қайси бир замонда амалга оширган шу алфоздаги худбинлигини, калтабиллигини ва қабиҳ қилмишларини ўзидан соқит қила олмасди; билъакс, у асрлар оша у ёки бу шаклда яшаб келаверди.

Нега у сен билан доимо бирга келадми? — деган саволга жавобан: — Сизнинг қўлингиздан келмайдиган ишларни уддалайдиган, кўп ишларга қодир инсон, — деган жавоб унинг қалбига тошдай ботди. Хушига келган маҳаллари ўзини, баъзан эса аллақачон хиёнат қўчасига кириб улгурган хотинини лъанталайдиган, бедурдликдан нолийдиган одат чиқарди... Баттар ичкиликка берилди...

2004 йилнинг 4 ноябридан 5 ноябрига ўтар кечаси Мавлуда ва Келдиёр савдордан қайтишди. Оила қандайдир муҳдих, оғир сунукат қўйинида тунги ором олишга чоғланарди. Соат 02 лар чамаси Келдиёр ва Мавлуданинг хонасидан пастбаланд гаплар эшитила бошлади. Ботир учун бундай қулай пайт топилмас керак. Боз устига ҳозир ичнадон кулға буқлама пичоқни олди хотини ва Келдиёр ётган хондага шахд билан кириб борди.

— Нима гап? — Ҳеч гап! — деди Мавлуда. — Бугун кўпроқ парда сотгандик, шу-

нинг ҳисоб-китобини чиқара олмаймиз... Жанжал...

Ботир хотинининг охири гапларини тинглаб ўтирмади. У ўзини ўнглаб олган Мавлуданинг кўрак соҳасига икки марта, қорин соҳасига уч марта, жойидан туришга улгур олган К.Абдувоҳидовнинг ҳам қорин соҳасига бир марта пичоқ санчиб улгурди...

Хайриятки, тез қўрилган чора-тадбирлар жароҳат олган жабрланувчилар ҳаётининг сақлаб қолганишга сабаби бўлди.

Тергов жараёнларида Б.Қосимов томонидан ижро этилган жиноий иш замирида ҳар иккала жабрланувчини жисмонан йўқ қилишга қаратилган хатти-ҳаракат ётганлиги аниқланди. Қизғин шундаки, (балки бўлиб ўтган воқеадан кейин уларнинг сўқир қўзлари очилиб, виждонлари тилга киргандир) Б.Қосимовнинг айбери ўз тасдиғини топиб, унга нисбатан жиноий айбон қўйиш мубайнада ҳар иккала жабрланувчи ҳам суд ҳайъатидан унинг айбини енгиллаштириш чораларини сўради. Бироқ адилоат меъзолини бундай ҳис-сизларга йўл бермайди. Жиноят муқаррар равишда ўз жазосини топтомо зарур. Шу нуқтаи назардан Б.Қосимов Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 25, 97-моддаси 2-қисми «а» банди билан ўн беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилган лойиқ деб топилди.

Албатта, тўғри йўлдан адашган Ботир Қосимов амалга оширган жинояти учун жазосини олади. Бу муқаррар. Лекин бу иланиннг ёшгина икки вакили Азамат ва Дилнозаларнинг тақдирини нима бўлади?! Улар ота-оналари амалга оширган номақбулликларининг жабрини тортиб қолаверадими?! Саволлар... Саволлар... Уларнинг адоғи бормикан? Бу ҳақдаги тақлиф ва мулоҳазаларни Сиз аизларнинг мақбулбарингиз орқали қўлиб қўлаймиз.

Саодат МИРСАҒАТОВА, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси. Хидирали ПАНЖИЕВ, журналист

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажини — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3684 нусхада босилди. Қоғоз бирими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мувожаат қилишнигиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шерк» нашриёт-матбعا акциядорлик компанияси босмоқноса.
Қорқона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.